

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КОМПЬЮТЕР ИНЖИНИРИНГИ”
йўналиши**

**“ЭЛЕКТРОН-ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ
ШАКЛАНТИРИШ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ - 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“ЭЛЕКТРОН-ТЪЛИМ МУҲИТИНИ
ШАКЛАНТИРИШ” модули бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар:

ТАТУ, “Ахборот таълим технологиялари” кафедра мудири, т.ф.н., доцент Э.А.Мигранова,
ТАТУ “Физика” кафедраси мудири катта ўқитувчи В.С.Хамидов,
ТАТУ “Ахборот таълим технологиялари” кафедраси ассистенти Р.Ю.Ахатова

Такризчи:

ТАТУ, АКТ бўйича маслаҳатчи проректори,
Жанубий Кореялик мутахассис Ли Чул Су

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2016 йил 29 августдаги 1(661) - сонли баённома)

TO CURRICULUM FOR THE «COMPUTER ENGINEERING» COURSE OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT AND RETRAINING ACADEMIC STAFF OF HIGHER EDUCATION

REVIEW

Typical training program of direction "Computer Engineering" is presented on pages 17 and contains 8 modules. A typical curriculum includes legal framework and legal university standards, modern educational technology and high pedagogical skills, use of information and communication technologies in pedagogical process, a foreign language, the basics of system analysis and application of the decision, the scientific practical work on the basis of special directions, new methods of creating education and process, creativity and competence of the teacher, the embedded system, new knowledge on information security and Linux. The title and content of the curriculum of direction "Computer Engineering" corresponds to the typical curriculum specialty and educational standards, qualification requirements to a specialist.

The level of reflection in the standard curriculum of modern science, technology, culture teaching, as well as recommended by the author of the curriculum advanced technologies are presented on the qualification requirements for the preparation and improvement of professional skills of the teacher are sufficient.

The program includes the training of teachers of subjects in the field of education, training and skills development, quality and preparation of the general qualification requirements and training plans formed the basis of the teaching staff of higher education institutions in the sphere of modern education and innovative technologies. The best international practices of effective use of information and communication technologies in the educational process of the introduction of foreign language are intensive due to the level of development of their professional skills. The elevations of the regular activities of the scientific institutions of higher education are included in training and educational process of organization and management systems.

Vice rector of ICT, TUIT



Chul Soo Leo

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИДА
“КОМПЬЮТЕР ИНЖИНИРИНГИ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАСТУРИГА
ТАҚРИЗ**

Ушбу ўқув дастурда “Компьютер инжиниринги” йўналиши бўйича назарий ва амалий билимлар кўрсатиб ўтилган.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тарақкиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, ахборот хавфсизлиги ва электрон тижорат бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу оркали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбик этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқкан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Умуман олганда, “Компьютер инжиниринги” йўналиши бўйичаяратилган ўқув дастур тингловчилар учун фойдали бўлиб ўқув жараёнида куллаш учун тавсия этилади.

ТАТУ, “Ахборот технологиялари”
профессори, т.ф.д.



Зайнидинов Х.Н.

МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастан

2

Модулни ўқитиша
фойдаланиладиган
интерфаол таълим
Методлари

3

Назарий
Материаллар

4

Амалий
Машғулот
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Мустақил
Таълим
Мавзулари

7

Глоссарий

8

Адабиётлар Рўйхати

I. БҮЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

I.ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ - 4732-сон Фармонининг муҳим йўналишлари мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларинг педагогик фаолияти сифатини ошириш, Интернет глобал тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогика, ўқув жараёнида ахборот технологияларини жорий этиш, электрон-таълим муҳитини шакллантириш ҳамда илғор халқаро педагогик тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни қўйидагиларни қамраб олади:

- Электрон таълимнинг асосий ривожланиш тенденциялари;
- Электрон таълим;
- Электрон таълим тарихи;
- Онлайн-таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари;
- Электрон таълимда юзага келадиган муаммолар;
- Синхрон электрон ўқитиш ва асинхрон электрон ўқитишнинг қиёсий таҳлили;
- SCORM ва TinCan;
- Электрон ўқитишдан фойдаланиш технологияси;
- Электрон таълимнинг саккизта жиҳатлари;
- Оммавий очиқ онлайн курслар;
- Электрон таълим учун муаллифлик воситалар.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларда ОТМда сифатни таъминлаш борасида профессор-ўқитувчиларга АҚТнинг олий таълим сифатини таъминлаш воситаларидан бири эканлиги, электрон таълим соҳасидаги зарурий янги билим, кўнишка ва малакаларни ҳамда компетенцияларни ўзлаштиришга хизмат қиласди.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Ушбу курснинг мақсади: Электрон-таълим муҳитини шакллантириш

Ушбу курснинг вазифалари:

ўқув жараёнини модернизациялашнинг асосий тамойилларини ва олий таълимда қўлланиладиган электрон таълим технологияларни таништириш;

АҚТ ва электрон таълимнинг ўқув жараёни билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилиш;

таълим тизимини, ўқув-тарбиявий жараённи бошқаришда қўлланиладиган АКТнинг ўрни.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Электрон-таълим муҳитини шакллантириш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- электрон таълимнинг асосий ривожланиш тенденциялари;
- электрон таълим;
- электрон таълим тарихи;
- онлайн-таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари;
- электрон таълимда юзага келадиган муаммолар;
- синхрон электрон ўқитиш ва асинхрон электрон ўқитишнинг қиёсий таҳлили.
- SCORM ва TinCan.
- электрон ўқитишдан фойдаланиш технологияси
- электрон таълимнинг саккизта жиҳатлари
- оммавий очиқ онлайн курслар
- электрон таълим учун муаллифлик воситалар ҳақида билимларга эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- олий таълим сифатини АКТ ёрдамида таъминлаш;
- ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда замонавий АКТдан фойдаланиш усулларини анъанавий ва инновацион моделларини аниqlаш ва амалиётга татбиқ этиш;
- ўқув жараёнини ахборот коммуникация технологияларини ўринли (мақсадли) қўллаган ҳолда ташкиллаштириш ва бошқариш;
- ООOK орқали профессор-ўқитувчи шахсий ўқув траекториясини шакллантириш;
- Moodle электрон таълим платформаси орқали ўқув жараёнини шакллантириш;
- муаллифлик воситалардан фойдаланиш **кўникма ва малакаларини** эгаллаши;

Тингловчи:

- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкиллаштиришда Web2 технологияларидан унумли фойдаланиш;
- глобал тармоқлар орқали педагогик ҳамкорликни амалга ошириш;
- интернет ресурслар ва хизматларидан самарали фойдаланган ҳолда ахборот таълим майдонини лойиҳалаш;
- ахборот тизимлари ёрдамида ўқув жараёнини ташкил қилиш;
- АКТ билан боғлиқ тамойилларини ишлаб чиқиш

- электрон ўқув ресурсларини яратиш;
- ўқув жараёнида электрон таълимни шакллантириш компетенцияларни эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Электрон-таълим муҳитини шакллантириш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар электрон таълимни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Назарий	Амалий машғулот		
			Жами	жумладан				
1.	АКТ. Электрон таълимнинг асосий ривожланиши тенденциялари.	6	6	2	4			
2.	Оммавий очиқ онлайн курслар. Электрон таълим учун муаллифлик воситалар. МООС ва унинг ўрни. АРМнинг ўрни. Педагогик дастурний воситалар	8	6	2	4	2		
	Жами:	14	12	4	8	2		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - мавзу: Электрон таълимнинг асосий ривожланиш тенденциялари

Электрон таълим. Электрон таълим тарихи. Онлайн-таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари. Электрон таълимда юзага келадиган муаммолар. Онлайнни ўргана оламизми? Синхрон электрон ўқитиш ва асинхрон электрон ўқитишнинг қиёсий таҳлили. SCORM ва TinCan. Электрон ўқитишдан фойдаланиш технологияси. Электрон таълимнинг саккизта жиҳатларини ўрганиш.

2 - мавзу: Оммавий очик онлайн курслар. Электрон таълим учун муаллифлик воситалар

Оммавий очик онлайн курслар. Оммавий очик онлайн курслар кўпайиши учун платформалар. Оммавий очик онлайн курслар курсни молиялаштириш модели. Электрон таълим учун муаллифлик воситалар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот

Электрон таълим. Электрон таълим аспектлари.

2-амалий машғулот

Оммавий онлайн очик курслар билан танишиш. Оммавий онлайн курслардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкиллаштириш.

3-амалий машғулот

Муалифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон ўқув ресурсларини яратиш.

4-амалий машғулот

Moodle ишлаш малака ва кўникмни шакллантириш учун ишчи мухитни яратиш ва ўқув жараёнини ташкиллаштириш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустахкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш

қобилятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. БҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ


ВЕНН ДИАГРАММАСИ МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таниширадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Электрон, анъанавий ва масофавий таълим турлари бўйича



“ПОРТФОЛИО” МЕТОДИ

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

“SWOT-ТАҲЛИЛ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



ХУЛОСАЛАШ (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

«ФСМУ» МЕТОДИ

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“АССЕСМЕНТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест



Қиёсий таҳлил



Тушунча таҳлили



Амалий қўникма

“ИНСЕРТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:
-

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши хақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“БЛИЦ-ЎЙИН” МЕТОДИ

Методнинг максади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунириллади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттириллади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“БРИФИНГ” МЕТОДИ

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ш. БҮЛІМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР

1-мавзу. Электрон таълимнинг асосий ривожланиш тенденциялари.

Режа:

- 1.1. Электрон таълим.
- 1.2. Электрон таълим тарихи.
- 1.3. Онлайн-таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари.
- 1.4. Электрон таълимда юзага келадиган муаммолар.
- 1.5. Синхрон электрон ўқитиш ва асинхрон электрон ўқитишнинг қиёсий таҳлили.
- 1.6. SCORM ва TinCan.
- 1.7. Электрон ўқитишдан фойдаланиш технологияси.
- 1.8. Электрон таълимнинг саккизта жиҳатларини ўрганиш.

Таянч иборалар: электрон таълим, онлайн-таълим, online курслар, очиқ университет, виртуал таълим, контент, виртуал аудитория, микротаълим.

1.1. Электрон таълим

Электрон таълим – бу тез ривожланувчи соҳа ҳисобланади, унинг ривожланиши 1980 йиллардан кейинги йиллардан (масофадан ўқитиш ва телевизион курслар шаклида) бошланган.

Технология шунчалик тез ривожландики, географик фарқини ўзингизни аудитория ичидаги ҳис қиласиган даражада намоён қиласиган инструментлар ёрдамида кўриш мумкин. Электрон таълим видео, слайд-шоу, Word ва PDF хужжатлари кўринишидаги турли форматдаги материаллар билан танишиш имконини беради. Вебинарларни ўтказиш ва ўқитувчилар билан мулоқотда бўлиш фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш имкониятларидан бири бўлган чат ва форумлар орқали амалга оширилади.



Кўплаб турли e-Learning тизимлар (буғунги кунда маълум бўлган ўқитишни бошқариш тизими ёки LMS сифатида) ва online курслар етказа олиш имконига эга бўлган методлари мавжуд.

Инструментлар ёрдамида on line курсларни ва автоматик адаптив тестларни яратиш учун материаллар тўплами каби турли жараёнлар автоматлаширилган бўлиши мумкин. Электрон таълим ўқувчиларга таълимнинг ҳаёт тарзига айлантириш

имконини берадиган қулай (күп ҳолларда бепул) ечим ҳисобланади. Бунда хаттоки банд бўлганлар ҳам кейинги ишлаш фаолиятини ривожлантириш ва янги малакаларни олиш имконини беради¹.

Таълим соҳасидаги муҳим ҳодисалардан айримлари интернет пайдо бўлгандан кейин содир бўлди. Бугунги кунда ўқувчилар смартфонлардан фойдаланишни, матнли хабарларни жўннатишни ва интернетдан фойдаланишни яхши билишади, шунинг учун on line курслар билан иштирок этиш ва ишлаш оддий иш ҳисобланади. Эълонлар тахтаси, ижтимоий тармоқ ва коммуникация интернетининг бошқа турли воситалари ўқувчиларга on-line курсларда бўлиши ва ўрганилаётган курсга боғлик бўлган масалаларни умумийлик ҳиссини таъминлаган ҳолда, муҳокама қилиш имконини беради.

Электрон таълимнинг тез ўзгарувчан дунёда, бунгунги кунда ўрганилаётган курсни янги ва қизиқарли қилиш, курс мазмунини доимо ўзгартириш, шунингдек талабаларга энг охирги ахборотни олиш имконини бериши учун тез янгилаш имконини берадиган технологиялар куладир.

Умуман, анъанавий ўқитиш жуда қиммат бўлади, кўп вақт талаб этади ва натижаси фарқланади. Электрон ўқитиш тез бўлади, анчагина арzon ва потенциал тарзда яхши бўлган альтернативани таклиф этади.



1.2. Электрон таълим тарихи.

«Электрон таълим» атамаси 1999 йилдан бери мавжуд. Ушбу атама билан бирга «онлайн-таълим» и «виртуал таълим» атамалари пайдо бўлган. Шу билан бирга электрон таълим асосидаги принциплар бутун тарих давомида яхши хужжатлаштирилган ва электрон таълим XIX асрда бери мавжудлиги тўғрисида далиллар мавжуд.

Интернет ишга тушишидан анча олдин талабаларга айрим фанлар ёки кўнималар бўйича таълимни тақдим этиш учун масофадан ўқитиш ташкил этилган.

1840 йилларда Исаак Питман ўз ўқувчиларга ёзишмалар бўйича стенографияни ўргатди.

**HISTORY
of eLEARNING**

1924 THE FIRST "TESTING MACHINE"
E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC
2013. P.4-15

1954 THE FIRST TEACHING MACHINE

1960 COMPUTER-BASED TRAINING


1924 йилда, биринчи марта матнли машина ихтиро қилинган. Ушбу қурилма талабаларга ўзғўзини текшириш имконини беради. Кейин 1954 йилда

Гарвард университети профессори Скиннер мактабларга ўз ўқувчиларни ўқитишни бошқариш имконини берадиган “тренажёр” атамасини киритиди. 1960 йилда биринчи ўқитувчи компьютер дастури таклиф этилган. Дастрлаб у Иллинойс штати университетидаги таълим олувчи талабалар учун ишлаб чиқилган, натижада бутун соҳа мактабларида фойдаланилган.


Биринчи e-Learning тизими талабаларгача ахборотни етказишга мўлжалланган, лекин 70 йилларда электрон таълим интерактив бўлди. Буюк Британияда Очиқ Университет электрон таълимнинг афзал жиҳатларидан фойдаланишга интилмоқда. Уларнинг таълим тизими, биринчи навбатда масофадан ўқитишга мўлжалланган. Аввал, ўқув материаллари почтадан юборилган, шунингдек ўқитувчилар билан электрон почта билан ёзишмалар юборилган. Интернет пайдо бўлиши билан Очиқ университет интерактив таълим хизматларининг кенг спектрини таклиф этган.

Компьютер ва Интернет пайдо бўлиши билан XX асрнинг охирида, электрон таълим инструментлар ва етказиб бериш усуллари кенгайтирилган. 1980 йилларда биринчи МАС жисмоний шахсларга уйларида шахсий компьютерга эга бўлиш имконини берди, ўз навбатида алоҳида предметлар тўғрисида билиш ва алоҳида кўнижмаларни ривожлантириш имконини беради. Кейин кейинги ўн йилликда онлайн-ахборотнинг кўп микдоридан фойдалана олиш ва электрон таълим учун катта имкониятларга эга бўлиш имконини берадиган ўқитишнинг виртуал муҳити ривожлана бошланди.

Технологик ютуқлар таълим муассасаларга масофадан ўқитиш нархини камайтиришга, шунингдек таълимга кенг аудиторияни тақдим этиш учун тежамкорликка эришишга ёрдам берди.



1.3. Онлайн-таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари



Муҳим афзалликлар:

- Хеч қандай чегаралар, ҳеч қандай чекловлар.

Географик чекловлардан ташқари, вақт ўқиши жараёнида ўқувчилар ва ўқитувчилар дуч келадиган муаммолардан бири ҳисобланади. Кундузги таълим давомида жой ўқувчилар гурухининг қатнашишини чеклайди.

- Қизиқиш

On line курси мультимедиадан фойдаланаган ҳолда интерфаол ва қизиқарли бўлиш учун курс шу тарзда ишлаб чиқилган ёки охирги вақтда геймификация методлари ишлаб чиқилган.

- Иқтисодий самарадорлик

Ўқув қўлланмалар маълум вақт ўтиши билан эскиради, электрон таълимда янги нашрларни доимо сотиб олишга зарурият бўлмайди. Компания ва ташкилотлар кундалик вазифаларнинг самарадорлигини ошириш учун технологияларни қўллаши мумкин, интернетдан фойдаланиш зарурият бўлиб ҳисобланамоқда. Кўп миллатли корпорация бошқа мамлакат шахслари билан ишлаш имконини оширмоқда ва биргаликда машқ қилишмоқда. Ушбу масала электрон таълим масаласини муваффақияли ҳал этмоқда.

1.4. Электрон таълимда юзага келадиган муаммолар

Электрон таълимнинг барча афзалликларини ҳисобга олган ҳолда ҳам айрим камчиликларга эга. Амалий қўникмаларни интернет-ресурслардан танлаб олиш бир мунча мураккаб ҳисобланади.

- *Изоляция*

Электрон таълим аудиторига масофадан кира олишнинг осонлигини, мослашиши ва имконияти мавжудлигини билдирганда ҳам, ўқувчилар ўзларини яккараб қолингандек хис қилиши мумкин. Бу ҳолат онлайн-таълим ўқувчига ҳақиқатда тўлиқ ҳолда яккалигини ҳис қилиши мумкинлигини билдириши натижасида содир бўлади. Технология ва электрон таълим ривожланиши билан, видеоконференция, ижтимоий тармоқ ва дискуссион форумлар каби воситалардан фойдаланган ҳолда, ўқувчилар ўқитувчилар ёки бошқа ўқувчилар билан фаол ўзаро ҳамкорликда ишлаши мумкин.

- *Сөдиқ билан боғлиқ бўлган муаммолар*

Электрон таълим компьютер ва бошқа шунга ўхшаш қурилмалардан фойдаланиши талаб этади, бунда қўзнинг зўриқиши, танани нотўғри тутиш ва бошқа жисмоний муаммолар ўқувчиларга таъсир этиши мумкинлигини билдиради. Онлайн-курс фаолият олиб бориши билан тўғри ўтирган ҳолат, стол баландлиги тўғрисида тавсияларни ва мунтазам бўлиб турадиган узилишлар учун тавсияларни жўнатиш керак².

Онлайнни ўргана оламиزمи? Электрон таъли, анъанавий таълимга нисбатан, онлайн ресурслардан маълумотлар базасидан, даврий нашрлар ва бошқа материаллардан фойдалана олишни енгиллаштиради. Агар талаба курс ишининг айрим қисмини қийинчилик билан тушунса, талаба ҳар қандай савол бўйича маслаҳатларни осон топиши мумкин, бунда интернетдан қўшимча, лимитсиз ва бепул материални бир зумда олиш имконига эга бўлади. Бундан ташқари, электрон таълим ўқувчиларнинг турли типдаги эҳтиёжларини қаноатлантириш учун мўлжалланган.

Амалиётда онлайн таълими. Университетлар бутун дунё бўйича талабаларнинг контентини етказиб бериш (бепул) учун электрон таълим имкониятларидан фойдаланишади. Иккита йирик Гарвард и МИТ университетларда бепул онлайн машғулотларни ўтказишга қаратилган дастурлар йўлга қўйилган. Гарвардда вилое маъруза ёзилади ва интернетга қўйилади. Талабалар ўтказиб юборган маъруза машғулотини кўриш имкониятига эга бўлади.

Coursera — Стэнфорд университети информатика профессорлари томонидан асос солинган оммавий онлайн таълим соҳасидаги лойиха ҳисобланади. Унинг доирасида интернетда таълим материалларининг нашрлари бўйича лойиха, бепул онлайн курсларининг тўплами кўринишида мавжуд. Бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган компания ва корпорациялар университетда тутатганлигини билдирадиган ҳақиқатдаги

² E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013.

кредитлар сифатида Coursera лойиҳасида таклиф этилаётган онлайн курсларини тутатганлиги тўғрисидаги сертификатларни қабул қила бошлашди. Гарвард университетида интернет платформаси орқали етказиш учун видеооператорлар ва мутахассислар иштирокида ўзининг худудида идеал контентни ишлаб чиқиши ва яратиш бўйича маҳсус ишлаб чиқилган бўлимни ишга туширди.

Онлайн таълимга энг яхши мисоллар. Онлайн таълим кўпгина афзалликларга эга. Бироқ, талаба билимларни ушбу усул билан эгаллаш имконияти таклиф этилаётган ўқув материалига боғлиқ, балки ушбу ахборотни тақдим этиш учун фойдаланиладиган амалиётга ҳам боғлиқ бўлади. Электрон таълим жфрофенини осонлаштиришга ёрдам берадиган онлайн тренингларнинг айрим яхши мисолларга қуидагилар киради.

Ҳамжамиятни таъминлаб туриши. Электрон таълим ўқитувчилари ва муассасалари интернетдан фойдаланувчи талabalар орасидан умумийлик ҳисини кўллаб-куватлаши керак. Бу талabalарга ўзаро ва инструкторлар, шунингдек таълим тажрибасини ошириш учун ресурслар билан биргаликда ҳамкорлик қилиш имконини беради.

Аниқ кутишилар. Талabalар виртуал таълимдан оладиган ахборот ҳақида маълумотга эга бўлиши керак, бунда уларэнг афзал алоқа усулини ва асосий ўқув режасининг материалларини етказиб бериши керак. Масалан, ўқитувчи талabalарнинг электрон почта орқали топшириқни бажариб топширини афзал кўриши мумкин, шу билан бирга бошқа ўқитувчи эса, сайт ўрнига электрон таълим ёрдамида етказиш усулини таншай мумкин.

Асинхрон ва синхрон фаолият. Интерактив ўқитиши усули бўлиб ҳисобланган фаолият усулини, шунингдек талabalардан ақлий ҳужум метод ива мавзуни керак. Талabalар Интернет ёрдамида виртуал видео курсларни кўриш, шунингдек муайян мавзуни тушуниб олиш ёки қўникмаларга эга бўлиш имконини яратадиган автоном режимда тўлиқ курс ишларини кўриш имкониятига эга бўлади.

Мавжэд ресурслардан самарали фойдаланиши. Электрон таълимдан максимал тарзда унумли фойдаланиш учун ўқитувчи ва талаба интернетдан олинадиган кўплаб ресурслардан фойдаланиши керак. Ахборотдан фойдалана олиш имконини берадиган юзлаб онлайн сервислар мавжуд, масалан, Википедия. Инструкторлар онлайн материалларининг мазмунни ва таркибини ошириш учун имкониятлардан фойдаланишлари ёки талabalарни қўшимча веб-ресурсларга йўналтиришлари керак.

Электрон таълим талabalарга исталган жойда ва исталган вақтда ўқиш имконини беради. Исталган жойдан, компьютер ёки мобил қурилма бўлган ва интернетга уланган жойдан, яъни уйда, дам олишда ёки иш ўртасидаги танаффусда ўқиш имконини беради.

Электрон таълимнинг келажаги. Замонавий технологияларнинг ривожланиши сабабли интерактив курсларни яратишга, ўқитиши жараёнини стандартлаштиришга ва ҳоказоларга ёрдам берадиган бир қатор

инструментлар ажралиб қолди. Электрон таълим ва ўқитиши воситалари сифатида келажакда шаклланишини тасаввур қилиш имконини берадиган электрон таълим ривожланишининг айрим тенденциялари мавжуд:

Микро-таълим ақлий меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган ходимлар учун бугунги кунда реал бўлиб ҳисобланган рақамли муҳитда микро-қадамлар орқали микро-ўқув фаолиятни ишлаб чиқишига мўлжалланган. Ушбу тадбирлар ўқувчилар учун кун тартибга киритилиши мумкин. «Анъанавий» электрон таълимдан фарқли ўлароқ микро-таълим ёндашувлари ОАВ орқали муваффақиятга эришиши билан кўп ҳолларда устунликка эга бўлади, натижада ўқувчилардаги когнитив юкламани камайтиради. Шунинг учун микро-ўқув обьектларни, шунингдек микро-ўқув фаолиятнинг жадаллиги ва муддатларини танлаш дидактик конструкциялар учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Микро-ўқув – бу парадигманинг муҳим силжиши ҳисобланади, ўқитишининг айрим сеансларига эга бўлиш заруриятини олдини олиш имконини беради, чунки ўқиш жараёни фойдаланувчининг ҳар кунда ўзгармаган ҳолда такрорландиган ўқиш жараёнига тадбиқ этилади

Геймификация – бу фойдаланувчиларнинг диққатини жалб қилиш ва муаммоларни ҳал этишни билиш учун ўйин орқали тафаккурндан ва ўйинсиз контекстдаги ўйин механизмидан фойдаланиш.

Таълимга индивидуал ёндашув – айрим ўқувчиларнинг эҳтиёжларини ва мақсадларини қаноатлантириш учун педагогика, ўқув дастур ва ўқув муҳитининг асоси ҳисобланади.

LMS. LMS таълимни бошқариш тизими деб юритилади ва бу глобал атама онлайн курсларни бошқариш, ўқув материалларни тарқатиш учун маҳсус ишлаб чиқилган компьютер тизимни билдиради ва талабалар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни назарда тутади.

LMS талабаларни рўйхатга олишдан синовлар натижаларини қайд этишгача жараён каби курснинг ҳар бир жиҳатини бошқариш имконини беради, шунингдек топшириқларни электрон кўринишда қабул қилиш ва барча талабалар билан алоқани сақлаш имконини беради. LMS одатда PHP, Net ёки Java каби турли платформаларда қурилган ва улар PostgreSQL, MySQL ёки SQL-сервер кабимаълумотлар базасига уланган бўлади. Тижорат ҳамда очиқ чиқиши кодли кўплаб LMS мавжуд. LMS таклиф этилаётган функциялар бўйича фарқланади, лекин кўпгина тизимлар айрим ёки қуйидаги компонентларга эга бўлади:

GUI. GUI график интерфейс фойдаланувчини билдиради. Кўпгина LMS фойдаланувчига таълим платформаси учун ноёб кўринишни яратиш имконини бериш учун интерфейсни созлаш вариантини таклиф этади.

Созлаш. GUI график интерфейсдан ташқари тизимни эҳтиёжларга мослаштириш учун созлашнинг бир нечта турли вариантлари таклиф этилади. Тилли параметрлар, созлаш, хабардор қилиш ва бошқа муҳим характеристикалар LMS тизимининг ишлашига мувофиқ ўзгартирилиши

мумкин. Битта LMS турли типдаги, ҳар бири ўзининг ноёб афзалликларга бўлган фойдаланувчилар фойдаланиши мумкин бўлганлиги учун қулайдир

Рўйхатга олиш. Тизим талабаларга онлайн рўйхатдан ўтиш ва маълумотларни ўкув жараёнини ва тест натижаларини кузатиб (назорат қилиб) бориш имконини беради

Виртуал аудитория. Виртуал аудитория машғулотларига таклифнома юбориш ёки эслатиб тури шва онлайн, календарь ёки Outlook тизими билан интеграциялаш имконини беради.

Ижтимоий тармоқ. LMS ижтимоий медиа билан интеграцияланган бўлиши мумкин, натижада ўз контенти ёки янгиликлар билан Twitter ёки Facebook орқали ахборот алмашиниш мумкин.

Мулоқот. LMS тизими талабалар билан мулоқотга киришиш учун хабарларни муайян курс ёки муайян талабаларга юбориш тизими каби ўрнатилган функционал тизимга эга бўлиши мумкин. Шунингдек LMS чат ёки форумдан фойдаланиш имконини беради.

Хисобот. Хар қандай LMS ҳисобот тизимида эга, ушбу тизим маълумотларни Excel тизимга экспорт қилиши, шунингдек тушуниш осон бўлиши учун маълумотларни график кўринишида таклиф қилиши мумкин.

Тестлаш. Тестлар кўплаб онлайн курсларнинг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади ва кўплаб LMS уларг боғлиқ бўлган кўплаб функцияларга эга бўлади. Тест саволларни рандомизациялаш ва тестлар учун ажратилган вақт бўйича чекловларни ўрнатиш имконига эга бўлади.

Контент ишланмасининг инструменти. Контент ишланмасининг инструменти – бу охирги фойдаланувчига етказилиши керак бўлган ўқитишнинг электрон контентини яратиш ва жойлаш учун ишлаб чиқарувчилар фойдаланадиган дастурлар пакети ҳисобланади. Wikipedia га асосан авторлик инструменти ўкув контентни яратиш учун World Wide Web га етказиш учун мультимедиа контентини яратишида фойдаланиладиган дастурий таъминот бўлиб ҳисобланади. Content-авторинг инструменти файлларнинг бошқа форматларида контентни яратиши мумкин, ўқитишни CD (компакт-диск)да ёки бошқа форматларда турлика қўлланилиши учун етказиш мумкин. Контент категорияси HTML, Flash ишланмалар воситаларидан, шунингдек авторингни электрон ўқитишнинг турли типдаги инструментларидан иборат. Кўпгина дастурларни инструментларнинг, жумладан Flash, ва PowerPoint дастурининг авторинги деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ дастурларнинг айрим кичик гурухи SCORM (Shareable Content Object Reference Model) или AICC (TOC) (Aviation Industry CBT комитет) каби стандартларнинг электрон ўқитишни таъминловчи сифатида маҳсус киритилади. Масалан: Articulate Storyline, Composica, Adobe Authorware and Camtasia.

1.5. Синхрон электрон ўқитиши ва асинхрон электрон ўқитишнинг қиёсий таҳлили.

Электрон ўқитишнинг замонавий мұхитида, қоидага кўра, синхрон ва асинхрон тоифаларга бўлинади. Иккала тоифа ўзининг афзаллиги ва камчиликлариға эга ва талабалар учун мос келадиган метод маълум даражада ахборотни ўзида мужассам қиласиган усулга боғлиқ бўлади.

Синхрон ўқитиши. Синхрон ўқитишига мисол қилиб онлайн чат ва видеоконференцияни келтиришимиз мумкин. Реал вақт режимида ишлайдиган, хабарлар жуда тез алмашинадиган ўқитишнинг исталган инструменти ўқитувчиларга саволларни 27 аш у 27 а 27 талабаларга жавоб бериш имкониятини тез, яъни синхрон амалга ошириш имконини беради. Талабаларнинг синхрон ўқитиши курсларида иштирок этиш давомида машғулотларда бошқа талабалар ва ўқитувчилар билан биргаликда ишлаш имконига эга бўлишади. Синхрон ўқитишнинг асосий афзаллиги бу бутун ўқитиши давомида бошқа инсонлар билан мулоқотга кириша олиш имкониятига эга бўлганлиги сабабли ўзларини ажралиб қолгандек ҳис қиласликлари ҳисобланади. Бироқ синхрон ўқитиши вақтга нисбатан қатъий белгиланмаган, талабалар реал вақт режимида ўқитишнинг жонли сессиясида ёки онлайн курсида иштирок этиши учун муайян вақтни белгилашлари керак бўлади. Бу усул қатъий 27аш у 27а эга бўлганлар учун ҳар жихатдан яхши деб ҳисобланмайди³.

Асинхрон ўқитиши. Асинхрон ўқитиши, бошқа томондан, ўқувчи ёки ўқитувчи иштирок эмаган ҳолатда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ўқувчиларга веб, электрон почта ва хабарлар орқали етказиладиган, бирлашма форумларда жўнатиладиган курс ишлари ва хабарлар асинхрон электрон ўқитишига мисол бўлади. Ушбу ҳолатларда, қоидага кўра, талабалар машқларни ўзлари бажаришлари ва машғулот ўтказилишини таъминлаб туриш учун инструмент сифатида Интернетдан фойдаланишлари мумкин. Талаба низолар келиб чиқишидан хавотирланмаган ҳолда, машғулотларни ўз имкониятлари доирасида бажариш билан ўқув режага риоя қилиши мумкин. Бу усул ўқув режада машғулотларнинг турли режаларини мустақил тразда ўрганишни афзал кўрадиган фойдаланувчилар учун яхши ҳисобланади. Шу билан бирга, курс ишларини мустақил бажара олиш учун мотивация етишмайдиганлар учун асинхрон ўқитишига нисбатан фойда олинмаслигини аниқлашлари мумкин. Асинхрон ўқитиши реал интерактив таълим мұхити бўлмаганлиги сабабли ўзларини ажралиб қолгандек ҳис қилишлари мумкин. Электрон ўқитишнинг самарали курслари таркибига асинхрон ва синхрон ўқитиши тадбирлари кириши керак. Бу талабаларга ва ўқитувчиларга дарс жадвалидан ёки ўқитишнинг энг мақбул методларидан қатыи назар етказишнинг турли форматларидан фойда олиш имкониятини беради. Бундай

³ E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013.
P. 42-45

ёндашув талабаларга зарур бўлганда зудлик билан ёрдам бера олиш, 28аш у билан бирга ўз ўрганиш темпларида ўқиши имкониятига эга.

1.6. SCORM ва TinCan.

SCORM (Shareable Content Object Reference Model) ўқитиш жараёнини бошқариш тизими тузилишининг муайян усулини ва контент ўқитишни белгилайди, ва бошқа SCORM келишиладиган тизимлар билан яхши ишлай олади. Асосан, SCORM моделнинг турли версиялари бир хил иккита: TinCan контент ва уни бажариш вақтидаги маълумотлар алмашинувини бошқаради. TinCan контент жисмоний маънода етказилиши керак бўлган контентнинг бир қисмини белгилайди. SCORM асосидаги TinCan контент «imsmanifest» деб аталадиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Ушбу файл импорт ва инсон иштирокисиз контентни ишга тушириш учун LMS талаб этадиган ахборотнинг кичик бўлимини ўз ичига олади. Ушбу файл ўкувчилик нуқтаи назарида, ҳамда физик файлли тизим нуқтаи назарида курснинг тузилмасини тавсифлайдиган XML дан иборат. Ушбу ҳужжатлар «Қайси ҳужжат ишлаши керак?» ёки «Ушбу контент қандай номланади?» деган саволларга жавоб бўлади. Алоқани бажариш ёки маълумотлар алмашинуви вақтида LMS билан «Ўзаро алоқа» контенти ҳақиқатда ҳаркатдаги контент каби аниқланади. Тенгламанинг ушбу қисмини етказиш ва кузатиб бориш каби тавсифлаймиз. Ушбу боғланишнинг иккита асосий компонентлари мавжуд. Биринчидан, контент LMS ни топиши керак. Контент топгандан кейин чақирувларни «қабул қилиш» ва «ўрнатиш» серия ва у билан боғлик бўлган луғат орқали маълумотлар билан алманиниш мумкин. «Ўқувчининг номини сўраши» ва «LMSни ўрганишида 95%ни тўплади» каби нарсалар концептуалдир. Мавжуд бўлган SCORM лексикага асосан кўпгина фаол интерактив ҳаракатлар LMSни хабардор қилиш учун етказилган бўлиши мумкин.

Нима учун SCORMдан фойдаланим керак? SCORM онлайн ўқитишда иштирок этадиганлар учун кучли инструмент бўлиб ҳисобланади. Контент бир марта яратилиши ва кўпгина турли тизимларда ва вазиятларда ўзгаришсиз фойдаланиш мумкин. Ушбу уланиш функционаллиги ва ўйин ташкилот ичida, ва хаттоқи, йирик ташкилотларда кучли бўлиши мумкин. Контент фойдаланувчига жуда тез, жуда самарали ва имкони борича арzon нархда сотилиши ва етказилиши мумкин. SCORM йирик ташкилотлар томонидан кенг қўлланилиши мумкин. Критик импульсга эга бўлади ва тармоқ стандартининг де-фактоси бўлиб ҳисобланади. АҚШ мудофаа департаменти шудай белгилаб бердики, ичидаги барча нарсалар SCORM орқали етказилиши керак.

TinCan. SCORM ўн йилдан ортиқ вақт ишлаб чиқилган. Вақт ўтиши билан педагогларга қўйилган талаблар ҳам ўзгарди ва шунинг учун TinCan ишлаб чиқилган. TinCan очиқ дастлабки коди API бўлиб ҳисобланади. API код SCORM нинг айrim зарур бўлган қушимча функционал имкониятларини қўшади ва эски ўзига хос бўлган хусусиятларнинг кўпгина чекловларини

олади. TinCan томонидан тақдим этиладиган қўшимча имкониятлар ўз ичига оддийликни, қўшимча хавфсизлик чора-тадбирларни олади, шунингдек LMS дан ташқарида ҳам курсларни ишга тушириш имкониятига эга. TinCan ривожлантириш жорий лойиҳадаги ишларга киради, шунинг учун натижаларни келажакда кўришимиз мумкин.

1.7. Электрон ўқитишдан фойдаланиш технологияси.

Электрон ўқитиш кўпгина технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади – улардан айримлари ушбу технологиялар учун маҳсус ишлаб чиқилган, шу вақтда бошқа технологиялар ўқитиш жараёнини одатда тўлдириб туради, масалан, компьютер ўйинлари. Коммуникация технологиялари электрон ўқитиш соҳасида кенг қўлланилади. Электрон почтадан фойдаланишдан ва хабарлар жуда тез алмашинишдан бошлаб хабарлар форумлари ва ижтимоий тармоқларда кўпгина инструментларни кўрамиз, улар ёрдамида ҳар қандай интернет фойдаланувчи ҳар қандай ҳолатда фойдаланиши мумкин.

Бошқа дастурний таъминот билан ўзаро тўлдирувчи асосида ишлайдиган айрим технологиялар ҳам мавжуд ва янги функцияларга, масалан, дастурний таъминотга эга. Ушбу функция ёрдамида бошқа шахслар ишлаётган вақтида ўзгартириш киритиш учун, шунингдек презентацияни намойиш этиши давомида фикр-мулоҳазаларни киритиш ва микрофонданни ишга тушириш имконини берадиган намойиш учун ёки экрандан биргаликда фойдаланиш учун сиз ва ҳамкасбингизга имконият берадиган инструмент сифатида видеоконференция давомида интерактив доскадан фойдаланилади.

Электрон ўқитиш маълумотлар базаси ва CMS (Content Management System) технологиядан самарали фойдаланиш имконини беради. Маълумотлар базаси ва CMS технология курснинг контентини, тест натижалари ва талабалар ёзишмаларини сақлаш учун биргаликда ишлайди. Ахборот маълумотлар базаси ва CMS технологияда сақланади ва маълумотларни қўшиш, янгилаш ва ўчириб ташлаш учун фойдаланувчи интерфейсини тақдим этади. Яхши LMS кўп ҳолларда, ишнинг бориши тўғрисидаги ҳисботларни шакллантириш ва сақлаш учун ҳисъот инструментини ўз ичига олади.

Таркибининг сифатини яхшилаш учун технологиялар турличадир. Flash, ва PowerPoint каби дастурний таъминот презентацияни силлиқ ва қизиқарли, юқори сифатли, график жиҳатдан таркиби бойитилган ҳолда бажарилишига ёрдам беради. Матнларни қайта ишлаш пакетлари мавжуд ва матни ёки веб-саҳифаларни форматлайдиган HTML редакторлардан фойдаланиш қулайдир. Шунингдек курслар учун викторина ва ўйинлар каби интерактив элементларни яратиш учун фойдаланиладиган қулай кўплаб онлайн-сервислар мавжуд.

1.8. Электрон таълимнинг саккизта жиҳатларини ўрганиш.

Бедрал Хан (Badrul N. Khan) томонидан таклиф этилган электрон таълим концепциясида саккизта: педагогик, технологик, педагогик интерфейс дизайни, баҳолаш, бошқариш, ресурсларни қўллаб қувватлаш, этик асослар, асбоб ускуналар жиҳати мавжуд. Тизим қулай ва батафсил текширувчи рўйхатдан иборат. Ушбу рўйхат муассасалар таълим технологияларни жорий этишга қанчалик тайёрлигини ёки уларнинг ўсиши учун қандай имкониятлари мавжудлигини мустақил баҳолаш учун инструмент бўлиб хизмат қиласди. Ушбу тизим модель бўлиб ҳисобланмайди, чунки тизим ўкув мухити технологияларини ишлаб чиқишнинг муайян процедурасини назарда тутмайди. Бироқ тизим веб ва аралаш ўқитиш негизида ўқитишни ишлаб чиқиш, яратиш, жорий этиш ва баҳолаш масалаларини ҳисобга олади ҳамда қуидагиларни бошқаришга хизмат қиласди:

- Таълим технологияларни ва аралаш ўқитиш учун материалларни режалаштириш ва ишлаб чиқиш;
- Таълим технологиялари, виртуал ўқитишнинг аралаш ва қулайлик яратилган мухит учун ресурсларни ташкил этиш;
- Корпорация, давлат ва хусусий олий ўкув юртлари, виртуал университетлар ва кибер-мактаблар учун тақсимланган ўқитиш тизимини яратиш;
- Таълимни бошқариш тизимини ва муаллифликнинг комплексли тизимини ишлаб чиқиш;
- Аралаш ўқитишнинг таълим технологиялари, курслари ва дастурларини баҳолаш;
- Таълим технологияларини яратиш, ўқитишни бошқариш ва ўкув контентини бошқариш учун инструментлар ва тизимларни баҳолаш.

Ташкилий	Ташкилий жиҳат ўз ичига маъмурий ва академик, шунингдек электрон таълим масалаларида талабаларга ёрдам кўрсатиш масалаларни олади
Бошқарув	Электрон таълимни бошқариш – бу таълим мухитини таъминлаш ва ахборотни тақсимлаш ҳисобланади
Технологик	Ушбу жиҳат электрон таълим мухитида инфраструктура масалаларини ўргатади ва инфраструктурани, ускунани ва дастурий таъминотни режалаштиришдан иборат.
Педагогик	Ўқитиш ва таълим масалалари киради. Ушбу жиҳат таркибини таҳлил қилиш, аудитояни таҳлил қилиш, мақсадлар, воситалар, дизайнни, ташкилот стратегияси ва ўқитишни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқади.
Аҳлоқий	Электрон таълимнинг аҳлоқий жиҳати ижтимоий ва

	сиёсий таъсирларга, маданий хилма-хилликка, огоҳлантириш муаммоларига, шунингдек географик хилма-хилликка, талабалик хилма-хилликка, рақамли бўлинишга, аҳлоқий ва ҳуқуқий масалаларга тааллукли бўлади.
Интерфейс дизайнни	Интерфейс дизайни ўз ичига электрон ўқитиш дастурининг умумий кўринишини олади. Интерфейст дизайнни жиҳати сахифа ва таркибининг дизайнидан, навигациядан, қулайлик ва тестлашдан иборатdir.
Ресурсларни таъминлаш	Электрон таълимнинг ушбу жиҳати ўз ичига онлайн таъминлашни ва тўлиқ ўқитишни таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни олади.
Таҳлил	Электрон таълимни баҳолаш (таҳлил қилиш) ўқувчиларни баҳолаш каби ўқитишни ва таълим мухитини баҳолашдан иборат.

Назорат саволлари:

1. Электрон таълим ривожланишининг тенденцияларига изоҳ беринг.
2. Синхрон электрон ўқитиш ва асинхрон электрон ўқитишнинг қиёсий таҳлили айтиб беринг.
3. Электрон таълимнинг саккизта жиҳатларини ўрганиб чикиб уларга изоҳ беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013.
2. Evaluation of Evidence-Based Practices in Online Learning: A Meta-Analysis and Review of Online Learning Studies. U.S. Department of Education Office of Planning, Evaluation, and Policy Development Policy and Program Studies Service , 2010
3. Нурмухамедов, Г.Н. Электронные учебные курсы: потребности образования, проектирование, разработка, проблемы и перспективы // Информатика и образование.-2012.-№1.-С.33-39.

2-мавзу. Оммавий очиқ онлайн курслар. Электрон таълим учун муаллифлик воситалар.

Режа:

- 2.1. Оммавий очиқ онлайн курслар.
- 2.2. Оммавий очиқ онлайн курслар кўпайиши учун платформалар.
- 2.3. Оммавий очиқ онлайн курслар курсни молиялаштириш модели.
- 2.4. Муаллифлик воситалари.

Таянч иборалар: оммавий очиқ онлайн курслар, муаллифлик воситалари, ўқув контенти ишланмаларининг воситаси.

2.1. Оммавий очиқ онлайн курслар

Охирги бир неча йилларда электрон таълимда янги – оммавий очиқ онлайн курсларини (инглиз тилидан Massive Open Online Courses, MOOC) яратиш тенденцияси пайдо бўлди. Ушбу онлайн курслар сифатли таълимдан инсоннинг яшаш жойидан ва унинг мақомидан қатъи назар оммавий фойдалана олиш концепциясига мувофиқ юзага келди. MOOC интернетдан – очиқ фойдалана олишда тингловчиларнинг йирик масштабли интерактив иштирокига тузилган курсдан иборат. «Оммавий очик курс» атамаси Брайан Александр ва Дэйв Кормье тадқиқотчиларнинг «Connectivism & Connective knowledge» курси устида олиб борилган ишлар натижасида киритилди. MOOC атамаси тўртта алоқа атамадан иборат:

- Massive (оммавий) – курсда бутун дунёдан иштирокчиларнинг катта сони ўқилишини билдиради;
- Open (очиқ) – ҳар бир курс бепул ҳисобланади ва ҳар бир шахс исталган вақтда курсга уланиши мумкин;
- Online (онлайн) – барча курслар Интернет тармоғида очиқ фойдалана олиши мумкин. Курсда таълимнинг асинхрон методидан фойдаланиш мумкин, бунда ўқиш учун барча масъулият тингловчилар зиммасида бўлади ва таълимнинг синхрон методида ўқиш жараёни ўқитувчи билан реал вақт режимида амалга оширилади;
- Course (курс) – ҳар бир курс ҳар бир иштирокчига мослаштирилган ҳолда ўз қоидаларига, ўз структурасига ва ўз мақсадига эга бўлади.

Ғарбий матбуот биринчи марта 2011 йили MOOCга Стэнфорд профессори Себастьян Трун интернет тармоғида ғайритабиий интеллект тўғрисида бепул курсни мувваффақиятли ўқиганидан кейин эътибор қаратган. Трун талабалари сафига 190 мамлакатдан 160 минг киши кирди. АҚШдаги университетлари Трун экспериментидан кейин янги тўлқинда ишлаб даромад орттириш мақсадида, кетма-кет MOOC курсини яратишда иштирок эта

бошлашди. МООС рақамли модага эргашиш эмас, балки таълим жараёнини тузилмавий ўзгартириш белгисига асос бўлади⁴.

Шу вақтгача онлайн-курслари анъанавий университет курсларига эга «калька» қўринишдан иборат бўлган, яъни инструктор ва иштирокчилар ўртасидаги коммуникацияни, хизматлар учун тўловни, унинг ўрнига малакасини тасдиқлайдиган, курсни ўқиганлиги тўғрисидаги сертификатни таъминлайдиган иштирокчиларнинг кичик сонидан иборат бўлади. Айrim олий ўқув юртлари шунга ўхшаш дастурларда бутун ярим витруал кампурсларни яратишган. Буюк Британия, мисол учун барча ўхшаш курсларни «Лондоннинг очик университети» бренди остида бирлаштирди. Ушбу ном остида Лондон иқтисод мактаби каби бутун дунёга маълум университетлар ишламоқда. Бунда катта бўлмаган иш ҳаққига (шунга ўхшаш даражадаги «реал» университетда ўқиш учун бериладиган ҳаққа нисбатан) алоҳида курсда ўқиш, ёки бир неча йил сарфлаб бакалавр ёки магистр даражасини олиш мумкин. Ушбу тизимнинг энг асосий ютуқларидан таълимнинг барча жараёни давомида талаба исталган жойда бўлиши мумкин. Бундай таълим тизими, барча афзалликларига қарамасдан, олий ўқув юртларида мавжуд бўлган таълимнинг онлайн моделини қайта ишлаб чиқсан ва шу билан бирга таълим жараёнига иштирокчиларнинг кенг доирасини жалб қилишга мўлжалланганлиги сабабли сара (энг машҳур) бўлиб қолган. Охирги йилларда онлайн-таълим қарама-қарши йўналишда ривожлана бошланди. Охирги ярим йилда интернетда феноменал тарзда ривожланиш ва кенг оммага тарқалиш бўйича, одатда, бепул ҳисобланган ва, энг муҳими, ҳақиқатда оммавий бўлган барча учун очик ўқув курслари пайдо бўлди.

Оммавий онлайн курсларига қўйидаги атрибутлар хосдир:

- оммавийлик ва глобаллик;
- бепул;
- дунёнинг барча университетларидан юқори малакали кадрларни жалб қилиш;
- анъанавий таълимнинг – графика, расм, имтиҳон каби элементларини мавжудлиги;
- таълим соҳасининг барча элементлари ўртасида тингловчи – ўқитувчи, тингловчи – тингловчи, ўқитувчи – ўқитувчи каби тескари алоқа учун кўпгина каналларнинг мавжудлиги;
- курс тугатгандан кейин ахборот Интернет тармоғида қолади ва иштирокчилар билан тўлдирилиб борилади;
- ўқитувчининг ўрни ўчирилади. Ўқитувчи воситачи ёки ҳамкасб бўлиб қолади;

⁴ The pedagogy of the Massive Open Online Course: the UK view. Siân Bayne and Jen Ross, the University of Edinburgh. The Higher Education Academy, 2013.

- оддий электрон мазмундаги материални эмас, балки маҳсус тайёрланган маърузалардан фойдаланиш.

Кўпгина MOOC курснинг аосси бўлиб бир ёки бир нечта маърузачилар (ёки кадр орқасидаги маърузаси) олиб бориладиган видео маърузалар ҳисобланади. Лекин ҳамма максимал тарзда самарли усул билан билимни жойлаш имконини берадиган маҳсус технологик платформа ўзгартиради. Ушбу платформаларни маҳсус компаниялар – ушбу хизматларни (*Coursera*, *Udacity* ва *edX*) кўрсатишга ихтисослашган таълим контентининг провайдерлари яратишиди. Ўз навбатида, фойдаланувчи учун мослаштирилган платформа ноёб маҳсулот сифатида ҳар бири алоҳида MOOC курсни ишлаб чиқиши имконини беради.

- курсга мувофиқ видео қатор зарур ахборотли слайдлар, ахборотграфика, бошқа видеоларга ҳаволалар билан, ва ҳаттоқи кўриб чиқилган материални маъруза давомида мустаҳкамлаш учун ёрдам берадиган матнлар форматидаги кичик-имтиҳонлар билан тўлдирилган бўлиши мумкин.
- ўқувчилар учун мўлжалланган видео одатда 10-15 минут (хафтасига тўрттадан саккизтагача) талаба мустақил таҳлил қилиш учун қўшимча материаллар илова қилинади. Бунга газета ва илмий журналларга ёзилган мақолалар, фильмлар, китоблар, фотографиялар, қўшимча маърузалар ва шу кабилар киради.
- Ўрганилганларни маъруза ва топшириқлар тўпланган саҳифага илова қилинган ҳолда чат орқали бошқа талabalар билан муҳокама қилиш мумкин.
- Курс муаллифлари тингловчиларнинг мулоҳазаларини моделлаштиришиди ва бошқа талabalар билан биргаликда муҳокамада иштирок этишиди

Турли MOOC курсларнинг давомийлиги турличадир (одатда тўртта ва ундан ортиқ ҳафта) – шундай курслар мавжудки, унда қатъий жадвал тузилган, яна шундай курслар борки, унда тингловчилар учун қатъий топшириш муддати белгиланмаган, шунинг учун олти ой давомида ўқиш мумкин.

Гарвард профессори томонидан ишлаб чиқилган курсни муваффақиятли тутатгандан кейин ўн мингдан ортиқ талabalар одатда сертификат билан тақдирланишиди. Ушбу сертификат Гарвардда тегишли курсни ўтаганлиги тўғрисидаги сертификатга айнан ўзи бўлиб ҳисобланмайди, шу сабабли кесиб ўтиши керак бўлган виртуал финиш чизиги сифатида зарур бўлади.

Лекин, инсон физиологиясининг асосларини билиш, дастурлашни ўрганиш ёки мактабда ўқиш давомида ўзлаштирганларни эсдан чиқарган

математикани қайтариш учун МООС курснинг иштирокчиси бўлиш ва мақсадсиз сертификат олиш мумкин.


Бугунги кунда тармоқдаги таълим жараёнига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд бўлганлиги сабабли пайдо бўлган онлайн курсларни ривожлантиришга қаратилган бир нечта йўналишлар мавжуд. Улардан сМООС, task-based MOOC, xМООС курсларни мисол келтиришимиз мумкин.

2.2. Оммавий очиқ онлайн курслар асосидаги платформа.

Бугунги кунда бутун дунё бўйича йирик университетлар (АҚШ ва Буюк Британия) хусусий МООС курсларини тузишмоқда, ўқитишининг янги усулларини тадқиқ қилишмоқда, алоҳида курсларда ўқитиладиган музокарали форумлар учун краудсорсинг технологияларини қўллашмоқда, профессорни онлайн-маърузаларни ўқиганлиги учун рафбатлантирилмоқда ва ходимларга талабалар билан ҳамкорлик қилишда иш вақти ажратилмоқда. Университетлар «таълим контенти»ни етказиш учун провайдерлар томонидан ишлаб чиқилган умумий инфратузилмандан фойдаланилади.

сМООС курсларда ўқув мақсади ўқувчилар томонидан белгиланади. Бундай курслар муайян тайёргарликка эга бўлган материални мустақил ўрганишга мўлжалланган тингловчиларга мос келади. сМООС курслардан асосий ва энг самарали усулларни қўллаш узлуксиз таълим шакли ва малакани ошириш хисобланади. task-based MOOC курсларда (топшириқларга асосланган курслар) тасдиқлашга асосланади, бунда тингловчи топшириқларнинг муайян тўпламини бажаради. Бундан ташқари, топшириқлар бошқа тингловчилар билан жамоа бўлиб бажарилиши мумкин.

xMOOC курслар – йирик халқаро университетлардаги курслар хисобланади. Бундай курсларни ишлаб чиқишида малакали ўқитувлар ва эксперторлар иштирок этишади. Бундай курслар аниқ ўқув графикка, дарс жадвали ва тингловчиларни турлича аттестациядан ўтказиш тадбирларига эга. Бундай курсларга ҳар қандай омиллардан қатъи назар ҳар бир шахс ёзилиши мумкин. МООС курсларни яратиш соҳасида энг илгор деб тан олинганлар қаторига қуидагилар киради (1-расм):



1-расм. *Massive Open Online Courses* – умумий очиқ онлайн курсларнинг ривожланиши


Khan Academy – видеотаълим асосчиси Салман Хан. Мактаб дастурнинг турли фанлари бўйича 1500 дан ортиқ видеороликларни яратган ва Интернет тармоғида жойлаштирилган.



Coursera – бугунги кунда 2012 йил августда асос солинган, MOOC хизматларини кўрсатиши бўйича йирик платформалардан бири ҳисобланади. Иш бошлаганидан кейин бир неча ой ўткандан кейинунинг хизматларидан миллионлаб фойдаланувчилар фойдалана бошлишган, ўн минг фойдаланувчилар 200дан ортиқ қулаи курсларда тингловчи бўлиши учун ҳар ойда лойиҳага қўшилиб боришган. Бир йилдан кам вақт давомида платформа венчур инвесторлардан 20 миллиондан ортиқ АҚШ долларини йигди. Udacity миллионга яқин инсон қўллайди, ишилаш давомида бир неча ойда лойиҳа молиялаштиришининг 15 миллион АҚШ долларини жалб қилишга эришилди.

оиди лойиҳага қўшилиб боришган. Бир йилдан кам вақт давомида платформа венчур инвесторлардан 20 миллиондан ортиқ АҚШ долларини йигди. Udacity миллионга яқин инсон қўллайди, ишилаш давомида бир неча ойда лойиҳа молиялаштиришининг 15 миллион АҚШ долларини жалб қилишга эришилди.


Harvard ва MIT 30 миллионни edX лойиҳани (бу ягона non-for-profit – лойиҳа) ривожлантиришига сарфлади.



2-расм. Coursera таълим порталидаги мамалакатлар бўйича тингловчиларни тақсимлаш

EDX – Гарвард университети томонидан, Массачусет технология институти ва Берклидаги Калифорния университети томонидан асос солинган. EDX асос солинган кундан бошлаб 55 та курсни таклиф этди. Бунда, курснинг видео, матн ва MOOCs курсининг уй вазифалари каби анъанавий материалларга қўшимча тарзда талабалар ва ўқитувчиларнинг ўз-ўзини ўқитиш жамиятини яратишга ёрдам берадиган фойдаланувчилар форумидан фойдаланилади. Дастраси инвестициялар 60 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Udacity - Стэнфорд профессор Себастьян Тран томонидан асос солинган нотижорат MOOCs ҳисобланади. 2013 йил март ойида Udacity платформа венчур инвестицияларни 21 миллиондан ортиқ АҚШ доллари жалб қилди. 26 та курслар таклиф этилди. 0,3 миллиондан ортиқ иштирокчилар рўйхатга олинди. Асосчиларнинг фикрича, лойиҳанинг мақсади бўлиб таълимни демократлаштириш ҳисобланади. Udacity



платформадаги барча электрон курслар бепул ва Интернет орқали барча қизиқувчиларга қулайдир. Фойдаланувчиларга аввал факат 6 курс таклиф этилган. 2015 йил апрель ойининг бошидаги ҳолатига кўра, Udacity платформадаги курсларнинг умумий сони 76тани, таълим оловчиларнинг (ўқиши тугатганлар) сони ўн минг кишини ташкил этди. Курслар 3 та: «Beginner» (дастлабки даражага), «Intermediate» (оралиқ даражага), «Advanced» (ривожланган даражага) даражага ажратилган. Курслар, асосан, инглиз тилида ўқитилади.

Мисол учун Stanford, Duke, California Institute of Technology, University of Illinois at Urbana-Champaign, Berklee College of Music курслар Coursera негизида ишлайди, бошқа университетлар MOOC курсини (MIT, Harvard ва University of California at Berkeley учун edX лойиҳа) кенг ёйиш учун хусусий платформани яратишиди. Udacity платформасини яратувчилари бошқа усулдан фойдаланишиди ва курсларни жорий этишга университетнинг, ҳамда Google ва Microsoft каби йирик компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилишиди. Ўқитувчи платформаларнинг бир қаторини, масалан, дастурлашни, «тьютр»нинг иштирокисиз ўрнатилган ва битта-ягона энтузиастнинг билимлари ёрдамида яратилган бўлиши мумкин.

2.3. Оммавий очик онлайн курслар молиялаштириш модели.

2000 йиллар бошида Quisic ва Unext каби компаниялар Coursera платформага ўзашаш модел билан ишлашиди – улар онлайн бизнесини ўқишини истайдиган етакчи бизнес-мактаб билан бир каторда эксклюзив келишувларни тузишиди. «Доткомнинг барбод бўлиши» сабабли барчаси тугатилди – онлайн-таълимдан даромадга эришишга интилаётган компаниялар йўқ бўлиб кетди, ёки йирик компаниялар билан бостирилган. Ўткан ўн йил давомида технологиялар такомиллашди, аҳолиси техник жиҳатдан ривожланди. Асосийси молиялаштириш модели ўзгарди.

Бугунги кунда курсларни яратишда компаниялар молиялаштиришни амалга оширмайди, университетлар тўлайди. Бунда сарфландиган воситалар анча сезиларлидир – айрим курсларнинг унумдорлиги 75 минг (етакчи бизнес-мактаб курси) ва миллион (бакалавр талабалари учун статистика бўйича курс) АҚШ доллари туриши мумкин. Университетнинг курсларини яратишда инвестициялашдан бош тортишмади – акс ҳолда улар ўрнига рақобатчилар бажаришади, бундай дастурни яратишдан реал самарани баҳолаш жуда мураккабдир.

Янги лойиҳадан молиявий натижа ҳали йўқ, лекин уларнинг асосчилари трафикни монетизациялашнинг турли – курсни тугатганлиги тўғрисидаги сертифат учун тўловдан тортиб иқтидорлиги талабаларнинг иш берувчилар (масаланр, Facebook ва Twitter компаниялар дастурлашни ўрганаётганлардан энг яхши талабалар тўғрисида ахборотдан фойдалана олиш учун Coursera ва Udacity тўлайди) билан ахборот алмашинувигача бўлган моделларини ўйлаб топишмоқда.

Улар учун иш ҳаққининг манбаи бўлиб «курс»ни (ёки уларнинг бир қисмини, масалан, видео маъruzани) бошқа университетларга сотиш имконияти бўлиши мумкин. Кўпгина компаниялар, ўз талабаларини турли университетлар томонидан, жумладан корпоративлар томонидан махсус ишлаб чиқилган алоҳида онлайн-дастурлар орқали эмас, балки МООС ёрдамида ўқитишни афзал кўришади.

Салман Хан “реал мактаблар”да уларни жорий этишга синаб кўришга уринган ҳолда ўз ишланмаларини фаол жадаллаштироқда. Унинг “тўнкарилган класс” моделини (ўқувчилар маъruzani уйда тинглашади, амалий машғулотларни ўқитувчи билан бирга синфда ишлашади) танқид қилишади, бироқ бутун дунё бўйича ўн миллионлаб кишилар фойдаланиладиган методикани тан олмаслиги мумкин эмас.

Coursera ва шунга ўхшаш бошқа платформалар асосчилари курсларни барча фойдаланувчилар учун жуда қулай бўлган курсларни яратиш назарда тутилишга ишонтиришди. Таълим, уларнинг фикрича, - бу имтиёз эмас, балки хуқуқдир. Ушбу позицияга риоя қилишгача тайёрdir ва лойиҳа ҳомийлари, шунингдек университетлар-шериклар вакиллари ўн минг АҚШ доллари туришини уқтиришади. Бугунги қунда энг муваффақиятли МООС лойиҳаси ўз олдига пул топиш мақсадини қўймайди. Гап [Khan Academy](#) - 2006 йилда MIT ва Гарвард битиравчиси Салман Хан томонидан тузилган нотижорат таълим ташкилоти тўғрисида бормоқда.

Бир неча йил олдин Салман Ханнинг ҳаракатлари билан ривожланган “академия” сайти 4100 бепул микро-маъруза (YouTube бўйича ёзилган) ва математика, молия, иқтисод ва қўпгина бошқа фанлар (авваломбор, математика) бўйича амалий топшириклардан фойдалана олиш имконини беради. Лойиҳа ниманидир ўзгартириш ёрдамида таъминлаб турилади, бунда уларнинг кўп қисми Google ва Фонд Билла ва Мелинд Гейтс компаниясига

түгри келади. Маъruzalар инглиз тилида ўқилади, волонтерлар ёрдамида маъruzalарни бошқа тилга ўгириш бўйича лойихалар амал қиласди.

Интеграция. Анъанавий таълимда шунга ўхшашиб инновацияни легализациялаш тез суръатлар билан амалга ошмоқда. 2013 йил февралда The American Council on Education ва Coursera платформалар шуни маълум қилдики, Coursera платформанинг бешта курслари университетда ўқитишга айнан ўхшашиб бўлади, демак, альтернатива сифатида ҳисобга олиши мумкин. Бундай курсларни ўқишини истайдиган АҚШ талабалари Coursera платформасига тўлов тўлаши керак. Натижада улар АҚШдаги 2000га яқин коллеж ап университетлар тан оладиган тасдиқловчи хужжат (транскрипт) олишади (мисол учун, улар иш берувчилар ўз ходимлари учун ташкил этайдиган бир қатор курсларни тан олишган). Бундан кейин 33та университетларга - Coursera платформасининг шерикларига 29та университетлар, бунда кўп қисми АҚШ чегарасидан ташқарисида, қўшилган.

ACE таъминоти Udacity платформани қидиради, бугунги кунда ҳали турли таълим муассасалари ушбу тавсияга риоя қилишга таёргилиги ноаниқ ҳисобланади. Ходимлари Coursera платформаси учун курсни ишлаб чиқадиган университетлар «реал» курсларга альтернатива сифатида уларни ҳисобга олиш учун тайёр эмас.

Бошқа университетлар бир қатор топширикларни талаблар томонидан бажарилганда олий ўқув юртлар талабалари ҳисоблананишидан қатъи назар тингланган курсларни талабаларга кам ҳақ учун тўловни амалга оширишга тайёрлигини ҳисобга олади. Хусусан, Калифорния штатнинг Университетининг (кластер принципи бўйича ўрнатилган университет тизими) бир қисми бўлиб ҳисобланадиган San Jose State University шундай йўл тутди.

Афзаллиги ва камчилиги. МООС яратувчилари Пандор қутисини очишиди. МООС курсини яратилиши ва курснинг сифатини тез суръатлар билан яхшилаш дунёда таълимнинг мавжуд тизимини шубҳага қўйди ва миллион АҚШ доллари миқдорида эҳсон йиғган ҳолда, таълим тизимига қарши чиқади. Онлайн-таълимнинг энтузиастлари ва евангелистлари яқин кунда талабалар интернетга жойлаштирилган МООС курслардан ўз босқичини тўлиқ «йиғиши» мумкин, анъанавий таълим тизими бир неча қисмга бўлинади (ёки таниб бўлмайдиган даражада трансформацияланади).

Булар МООС курсини ривожлантиришнинг жуда кечиккан босқичларига тааллуклидир, бугунги кунда инновацион курслар дунёвий таълим жараёнида ўрнатилиши учун тайёр эмас. Лекин таълимнинг янги босқичлари таълимдан илмий ҳамжамият, университетлар, талабалар ва мансабдорлар олдига, шунга ўхшаш курсларни сертификациялайдими (ва умуман тан оладими) ва шунга ўхшаш таълим методикаси қанчалик «сифатли» бўлиши тўғрисидаги муҳим масалаларни қўяди. Шубҳа билан қарайдиганлар, масалан, МООС курс енгиллаштирилган версияни («мураккаб» курслардан талабалардан 97 фоизи чиқарилади) бозорга қўйган ҳолда, сиёсий элитни таълимга молиялаштиришни камайтиришни оқлаш имконини эга бўлган ҳолда ва кам молиялаштирилган ўқув муассасаларни йўқ қилган ҳолда таълим «емирилади».

МООС курслар талабага профессорга эмас, балки билим олувчига қачон ва қаерда ўқишга имкон берган ҳолда, таълим жараёнини назорат қилиш топширилади. Талабаларга маъruzaga, мустақил ишга ва топшириқقا вақт сарфланади, лекин бошланган ишни охиргacha ишлашга мажбур қиласиган ижтимоий «дастак» талабада йўқ. Талабанинг мустақил ишни баҳолаш тизими суст – кўплаб МООС муаллифлари талабаларга автоматик тарзда баҳоланадиган тестларни ва бошқа талабалар томонидан баҳоланадиган лойиҳалар (эссадан фирма стратегиясини таҳлил қилишгача) таклиф этилади.

МООС курсларини олиб борувчи профессорлар дунёда бир вақтда ўз билимларини ўртоқлашадиган ва ўз билимларини ўртоқлашмайдиган ўқитувчилар ҳисобланади, уларнинг маърузаларини миллионлар кўриши, улар билан материални муҳокама қилиши мумкин. Интерактивнинг камчиликлари – жиддий муаммо ҳисобланади, ва провайдерлар МООС курсларини яратувчилар билан бирга гибрид модел (талабалар МООС курсларни кўради ва уларни мустақил тарзда гуруҳларда муҳокама қиласи) каби дискуссия модераторлар ролида ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг банал найм ҳам таклиф этган ҳолда муаммони ҳал этишга интилади. Бугунги кунда семинар машғулотни тўла алмаштириш имконини барадиган қарор топилмаган – МООС провайдерлар реал гуруҳларда виртуал тарзда муҳокама қилишни алмаштиришга уринади, лекин ғоялар алмашинуви кам самаралидир.

Кўпгина университетлар МООС курсининг реал бойлиги таълимни демократлаштиришдан иборат деб ўйлашди (ёки бу ҳакда ошкора маълум қилишади). Танқидчилар бундай «демократлаштириш»ни хавфли деб билишади. Кўпгина талабалар турли босқичларда асосий университетлардан зерикиш ҳисобига МООС курсини тугата олмайди. Лекин талабалар ўз фанларини қизиқарли ўтказишга ҳаракат қиласидиган кам даромадли профессорларда ўқишига тайёрлар. Бундай жараён парадигманинг алмашишига олиб келиши мумкин, яъни илмий журналларда кўп миқдорда илмий ишларни нашр қиласидиган профессорлар эмас, балки энг кўп даромадли профессорлар энг оммавий бўлишади. Кейинчалик бунга ўхшаш тенденциялар таълимда профессор карьераси мусиқа юлдузларига ўхшаб қолишади ва бу таълим тизимини портлашига олиб келади ва таълимнинг эскича ўқитадиганларни четта чиқариб қўяди.

МООС курсларининг аҳамияти нафақат сайёрамизнинг исталган нуқтасидан билим олиш жараёнидан қаноатланиш бўлиб ҳисобланмайди, балки бу ривожланишни энди бошлаган технологияга мўлжалланган. Бугунги кунда МООС курси баъзиларга «ҳаёт давомийлигига тенг таълим»ни давом эттириш имканини беради, бошқалар учун эрмак бўлиб ҳисобланса, учинчи тоифадагилар учун онлайн-курслари дунё миқёсидаги таълимда ўқишининг ягона усули ҳисобланади. МООС курслари ва уларга ўхшаш курслар таълимнинг оффлайн-тизимини тўлиқ алмаштира олмайди: онлайн-университетларда олий ўқув юртларида бир неча йил давомида таълим олгандан кейин юзага келадиган алоқаларни олиб бориш ва қизиқарли талабалик ҳаётдан завқланиш мураккаб жараёндир. Бутун дунё бўйлаб миллионлаб талабалар учун янги яхши дунёга йўл очади. Илмий ҳамжамиятни келажак тўғрисидаги дебатга киритиш ривожланишга олиб келади, яъни дунё таълимини янги эришиб бўлмайдиган даражага олиб чиқади.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки:

- дунёда электрон таълимни ривожлантиришнинг истиқболлик йўналишлардан бири бўлиб дунёнинг исталган мамлакатидан ҳар бир шахсга сифатли таълимни олиш имконини берадиган оммавий онлайн курсларни (МООС курсларни) яратиш ҳисобланади;

- МООС курсларни ривожлантириш Coursera таълим платформасида жуда тез суръатлар билан амалга оширилади, уч йил давомида курслар сони беш мартага, тингловчилар сони эса, ўн беш мартага ортди.

- онлайн курсларнинг янада ривожланиши анъанавий таълимнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир этади, бунда тингловчилар МООС курслардан фойдаланган ҳолда, ўз даражаларини йиғиши мумкин.

2.4. Муаллифлик воситалари (authoring tools)

Муаллифлик воситалари – бу ўқув контенти ишланмаларининг воситалари. Улар ёрдамида таълимни бошқариш тизимининг (LMS) маълумотлар базасига жойлаштириладиган ўқув материаллар (электрон ўқув кўлланмалар, презентациялар, симуляторлар, видеотренинглар, тестлар) яратилади.

Муаллифлик воситаларини бир нечта турларга ажратиш мумкин:

- Ўқув курсларнинг редакторлари (тахрирчилар);
- Презентацияларни яратиш учун воситалар;
- Тестлар, сўровномалар ва анкеталарни яратиш учун воситалар;
- Монитордаги тасвиirlарни қамраб олиш учун воситалар;
- Онлайн семинарларни ўtkазиш учун воситалар.

Масофадан ўқитиши тизимини техник жихатдан амалга ошириш етарлича мураккаб дастурий-аппарат комплексидан иборат. Дастурий таъминот билан фойдаланувчиларнинг бир нечта тоифалари ишлайди:


- ўқитувчилар
- талабалар
- ўқув курслар муаллифлари
- администраторлар
- менеджерлар (ўқув жараёнини бошқаради/назорат қилади)

Тизимдан фойдаланувчилар тоифаларининг ҳар бири учун шахсий фойдаланувчи интерфейси амалга оширилган бўлиши керак.

Масофадан ўқитиши учун дастурий маҳсулотнинг асосий компонентлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ўқув контенти ишланмаларининг воситаси (воситалари) (Authoring tools);
- таълимни бошқариш тизими (CMI ёки LMS - Learning Management System);
- ўқув жараёни иштирокчилари ўртасидаги ахборот алмашинувининг тизими;
- ўқув контентини етказиб бериш тизими (қоидага кўра вэб-сайт).

1-схемада тизим компонентларининг ўзаро ишлаш механизмлари, шунингдек фойдаланувчилар роли келтирилган.




Тизим компонентлари корпорация ёки университетнинг ташқи ахборот тизимлари билан ҳамкорликда ишлаши мумкин. Ҳамкорлик объекти бўлиб ERP тизим, талабаларни ҳисобга олиш тизими, кадрларни ҳисобга олиш тизими ҳисобланади.

Масофадан ўқитиш тизими учун энг кенг тарқалган техник платформаларга қуидагилар киради:

- Microsoft SQL Server, IIS (ASP, MTS)
- JSP (Java), SQL
- Lotus Domino
- Perl (PHP), MySQL

2-схемада дастурий таъминот даражадаги тизим компонентларининг ўзаро ишлаш схемаси келтирилган. Ҳар бир муайян тизим учун схема фарқланиши мумкин.



ARTICULATE STUDIO



Articulate Studio ўз ичига электрон ўқув курсларни яратиш учун имкониятларининг кенг тўпламларини тақдим этадиган кучли дастурий инструментлар пакетини олади. Articulate Studio ёрдамида интерактив контент, викторина, сўровлар, баҳолаш ва шу

кабилардан фойдаланган ҳолда, тақдим этилаётган ахборотнинг кўргазмалилигига эришиш мумкин.

Articulate Studio – тўлиқ функционал ва юқори сифатли интерактив ўқув ресурсларни яратиш учун инструментлар пакети ҳисобланади. Ушбу дастур электрон курслар ишланмалари каби тест ва имтиҳон материалларни ҳам воситаларнинг битта блокда бирлаштиради. Articulate Studio ўз ичига фойдаланишда кучли ва оддий инструментларни олади, улар ёрдамида электрон ўқитилувчи ва тест материалларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш амалга оширилади. Articulate Studio ишлаб чиқилаётган электрон ўқув курсларга турли хилдаги интерактив объектларни киритиш, Flash-форматнинг функционал имкониятларидан фойдаланиш имконини беради, шу билан бирга электрон таълим учун мўлжалланган материалларнинг юқори сифатига ва кўргазмалилигига эришиш мумкин.

Пакетлар таркибига қўйидаги дастурлар киради:

- **Articulate Presenter** - флэш-презентацияларни ва электрон ўқув курсларни тез яратади;
- **Articulate Quizmaker** - флэш-викторинани тез яратади;
- **Articulate Engage** – электрон курсга интерактив контентни осон қўшиб қўяди;
- **Video Encoder** – видеони оммавий флеш форматга конвертациялади.

Саҳифа:www.articulate.com

EXE LEARNING



eXe learning – электрон таълим учун материалларнинг XHTML редактори. Ўз ичига Web-ишланма учун HTML редакторни ёки мураккаб иловаларни ўрганиш зарурятисиз ўқув ва методик Web материалларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва нашр қилиш учун ўқитувчилар ва олимлар учун инструментларни олади.

еХе мавжуд бўлган бир қатор чекловларни енгиб ўтиш учун ишлаб чиқилган:

Веб-авторингнинг кўпгина дастурлари таълим жараёнини ўзлаштириш учун етарлича кўп ҳажмли курсни ўқиш талаб этади, ўқув материалларни нашр қилиш учун интуитив-тушунарли ёки мослаштирилган бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчилар ва олимлар ўқув материални онлайн нашр қилиш учун ушбу технологияларни қабул қилишмади. еХе ўқитувчиларга малакали расмийлаштирилган ўқитилувчи веб-саҳифани нашр

қилиш имконини берадиган инструментларнинг интутивлилигини ва улардан фойдаланишининг оддийлигини таъминлайди;

Бугунги кунда контентни бошқарувчи ўргатилувчи тизимлар (Learning CMS) етарли даражада (веб-ишланмалар учун ёки веб-сайтларнинг малакали тажрибали ишлаб чиқувчиларининг хатти-ҳаракатлари учун дастурнинг имкониятларига нисбатан) веб-контент авторингнинг инструментларини таклиф этишмайди. eХe таркибида LCMS бўлган контентни бошқарувчи ўргатилувчи тизимлар осон жорий этилиши ёки импорт қилиниши мумкин бўлган веб-нашрларнинг малакали имкониятларидан иборат бўлган инструментлар хисобланади.

Кўплаб CMS, шу жумладан LCMS ягона веб-серверга уланадиган муаллифлик материалларни яратиш учун талаб этиладиган марказлаштирилган моделдан фойдаланади. Бу боғланишининг энг кичик ўtkазиш имкониятига эга ёки умумий уланиш мавжуд бўлмагандан муаллифларни чеклайди. eХe серверга уланиш зарур бўлмаган ҳолда ишланмаларнинг автоном инструменти сифатида ишлаб чиқилган.

Кўплаб интуитив муҳитини CMS ва LCMS WYSIWYG ("нимани кўрсам натижада шуни оламан") таъминламайди, бунда муаллифлар материаллари нашр қилингандан кейин браузерда қандай кўринишга эга бўлиши кўришлари мумкин, асосан бу автоном режимдаги ишланмаларга тааллуқлидир. WYSIWYG функционал eХe фойдаланувчиларга материаллари онлайн нашр қилингандан кейин қандай кўринишда бўлишини кўриш имконини беради.

Саҳифа:exelearning.org



Lectora

Lectora ва **Lectora Online**. Интерактив мультимедиа-контентни яратиш учун ва баҳолаш учун ўзини яхши тавсия этган Lectora муаллифлик платформа eLearning ва мобил курилмалар учун версияни нашр қилди.

Lectora Online – гурух аъзоларига курс таркиби билан алмашиниш ва ўзгартириш имконини беради. Lectora Online таблеткаларда нашр қилиш учун кўплаб шаблонларга эга (publishing to tablets).

Назорат саволлари:

1. Оммавий очиқ онлайн курслар асосидаги платформалар ҳақида гапириб беринг.
2. Оммавий очиқ онлайн курсларнинг афзаллик ва камчиликларини айтиб беринг.

3. Муаллифлик воситаларини бир нечта турлардан иборат. Уларга изоҳ беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. The pedagogy of the Massive Open Online Course: the UK view. Siân Bayne and Jen Ross, the University of Edinburgh. The Higher Education Academy, 2013

IV. БҮЛІМ

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ


1- амалий машғулот. Электрон таълим. Электрон таълим аспектлари.

Ишдан мақсад: Электрон таълимнинг назарий таърифлари, Электрон таълим тарихи, Онлайн-таълимнинг афзаликлари ва камчиликларини аниқлаш ва тингловчи ўзининг шахсий электрон таълим мухитини шакллантира олиши керак

Масаланинг қўйилиши: SWOT таҳлилдан ва mindmapping фойдаланиш.


1-топшириқ.

Электрон таълимнинг олий таълим муассасасида қўллаш бўйича SWOT таҳлил қилинг.



2-топшириқ.

1- маъruzada келтирилган матндан фойдаланган ҳолда ақл ҳаритасини тузинг.



3-топшириқ. Электрон таълимнинг тарихини “Вақт шкаласи”га жойлаштириб чиқинг

Йил	Қандай ҳодиса руй берди	Ўқувчилар ва профессор ўқитувчилар учун қандай имконият пайдо бўлди?

Адабиётлар ва интернет ресурслар

1. <https://megamozg.ru/post/2176/>
2. <http://www.mind-map.ru>

**2-амалий машғулот. Оммавий онлайн очиқ курслар билан танишиш.
Оммавий онлайн курслардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини
ташкиллаштириш.**

Ишдан мақсад: Оммавий онлайн очиқ курсларни интернет қидирув тизими орқали топиш. Оммавий онлайн очиқ курслар тақдим этаётган тизим орқали рўйихатдан утиш ва курс тингловчининг мутаххасислигидан келиб чиқсан ҳолда курсларга ёзилиш кўникмасини шакллантириш.


Масаланинг қўйилиши: Интернет қидирув тизимидан фойдаланган ҳолда оммавий онлайн курсларни қидириб топиш ва ОООК тизими орқали рўйихатдан утиши, тингловчи ўзининг йўналишидан келиб чиқсан ҳолда ОООК курсларни ажарта олишликни ўрганиши керак.

Ишни бажариш учун намуна

Мазкур амалий ишини бажаришда тингловчидаги интернет қидирув тизимлари орқали тингловчиларда бошланғич билим даражаси бошланғич билим даражага эга бўлишлиги керак.

Бу амалий машғулотида биз Coursera оммавий онлайн очиқ курслари мисолида тизимдан рўйихатдан утиш ва курсларни танлашни қараб чиқамиз.

<https://www.google.com> қидирив тизимини ишга туширинг. Натижада қўйидаги қидирув google тизими чиқади.



Қидирув тизимидан фойдаланган ҳолда қидирув жойига Coursera сўзини ёзамиш. Натижада қидирув тизими Coursera оммавий онлайн курслар тизимининг расмий сайтини йўклайди. Юкландиган сайтнинг кўриниши қўйида кўрсатилган расмдагидек чиқади.

IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

Google search results for "coursera". The top result is "Coursera — бесплатные онлайн-курсы от ведущих ...". Other results include "Курсы", "Войти", "Programming for Everybody", and "Другие результаты с сайта coursera.org »". To the right, there's a snippet from the Coursera website featuring their logo and a brief description.

Результатов: примерно 7 100 000 (0,39 сек.)

Coursera — бесплатные онлайн-курсы от ведущих ...
<https://ru.coursera.org/> ▾
Бесплатные онлайн-курсы от более чем 120 ведущих университетов и ...

Курсы
Бесплатные онлайн-курсы от более чем 120 ведущих ...

Войти
Войти через Facebook. ог.
Электронный адрес. Пароль ...

Programming for Everybody
Programming for Everybody (Getting Started with Python ...

Другие результаты с сайта coursera.org »

О проекте
... сертификат о прохождении курса.
... О проекте · Люди ...

Social Psychology
Social Psychology from Уэслианский университет ...

Алгоритмы, часть I
Алгоритмы, часть I from Принстонский университет ...

Coursera — проект в сфере массового онлайн-образования, основанный профессорами информатики Стэнфордского университета Эндрю Ыном и Дафной Коппер. Википедия
Генеральный директор: Рик Левин
Основатели: Дафна Коппер, Эндрю Ын

Похожие запросы

Академия Хана ALISON Treehouse Blackboard

Натижада биз күйидаги сахифани күрамиз.

coursera

Учебные заведения Войти Зарегистрироваться


Пройдите лучшие курсы онлайн.

Искать по всем темам

Посмотреть весь каталог

Coursera оммавий онлайн курслари сайти орқали тингловчи ўзининг мутахасислигидан келиб чиққан ҳолда каталог курси орқали мутахасисликларга ажартилган курлар каталогидан курсларни танлаши мумкин.

Бунинг учун тингловчи “**Посмотреть весь каталог**” ҳаволасини босиш орқали юклashi мумкин. Натижада қўйидаги ойна юкланди.



Coursera оммавий онлайн курслар тизимининг курслар каталоги.

Курс тингловчи ўзининг мутахассилигидан келиб чиқсан ҳолда курслар каталогидан тизим таклиф этаётган курслар билан танишиб чиқиши мумкин.

Масалан, тигловчи тақдим этилган каталоглар курсидан “Компьютерные науки” бандини танласа қўйида кўрсатилган ойна юкланди.

IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

Каталог > Компьютерные науки

Гуманитарные науки и искусства

Бизнес

Компьютерные науки

Наука о данных

Медико-биологические науки

Математика и логика

Личностное развитие

Физические и инженерные науки

Компьютерные науки ?

Активные фильтры:

Разработка ПО | Разработка мобильных и веб-приложений | Алгоритмы | Компьютерная безопасность и сети | Дизайн и продукт

Разработка ПО

 Python for Everybody

Специализация из 5 курсов · Мичиганский университет

Coursera оммавий онлайн курслар тизимининг курслар

Coursera оммавий онлайн курслар тизимидағи курслар билан танишиб чиққандан кейин, тингловчи тизимдан рўйихатдан ўтиши керак бўлади.

Юкланган ойна орқали тингловчи тизим томонидан тақдим этилаётган курслар билан танишиб чиқиши мумкин.

Шунингдек тизимда курсларни фильтрилаш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, у ерда тингловчи тиллар бўйича, субтитир тиллари ва курснинг очиқлик критериялари бўйича курсни фильтрилаш мумкин бўлади.

Уточните запрос ×

Языки субтитров	Языки курса	Доступность			
<input type="checkbox"/> Английский	276	<input type="checkbox"/> Английский	259	<input type="checkbox"/> В этом месяце	207
<input type="checkbox"/> Испанский	61	<input type="checkbox"/> Испанский	55	<input type="checkbox"/> Предварительная регистрация	63
<input type="checkbox"/> Китайский (упрощенное письмо)	46	<input type="checkbox"/> Китайский (упрощенное письмо)	38	<input type="checkbox"/> Со свободным графиком обучения	59
<input type="checkbox"/> Бразильский португальский	20	<input type="checkbox"/> Бразильский португальский	18	<input type="checkbox"/> Через 1–2 месяца	4
<input type="checkbox"/> Русский	10	<input type="checkbox"/> Русский	9	<input type="checkbox"/> Через 2–3 месяца	2
<input type="checkbox"/> Турецкий	5	<input type="checkbox"/> Французский	5	<input type="checkbox"/> Более чем через 3 месяца	0
<input type="checkbox"/> Португальский (Европа)	5	<input type="checkbox"/> Португальский (Европа)	4		
<input type="checkbox"/> Французский	5	<input type="checkbox"/> Китайский (традиционное письмо)	1		
<input type="checkbox"/> Вьетнамский	4	<input type="checkbox"/> Иврит	0		
<input type="checkbox"/> Итальянский	3	<input type="checkbox"/> Тувинский	0		
<input type="checkbox"/> Казахский	2		0		

Меньше ▲

Coursera тизимидан рўйихатидан ўтиш.




Учебные заведения

Войти

Зарегистрироваться

“Зарегистрироваться” тугмасини босамиз ва қўйидаги ойна юкланди.



Тизимдан рўйиҳатдан утиш ойнасининг кўриниши.

Coursera тизимидан рўйиҳатидан ўтиш учун икки хил усулини таклиф этади.

1. Facebook ижтимоий тармоғи орқали
2. Анъанавий усул орқали

2 усул орқали тизимдан рўйиҳатдан утиш учун тингловчи ўзининг

- a) И.Ш.;
- b) Электрон почтасини;
- c) Тизимга кириш учун пароль уйлаб топиши керак.

Натижада қўйидаги ойна юкланди. Бу ойнада тизим сиздан тингловчининг қизиқишлигини танлаши керак бўлади. Бу маълумотлар тизим сизга мослашган ҳолда сизнинг қизиқишиларингиздан келиб чиқсан ҳолда электрон почангизга сиз танлаган қизиқишилар(мутахассислик, йўналиши) бўйича янги курслар пайдо бўлса, сизнинг шахсий почтангизга юборилиб турилади.

IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

The screenshot shows the Coursera website. At the top, there's a navigation bar with the Coursera logo, a 'Каталог' (Catalog) button, a search bar, and a 'Учебные заведения' (Educational institutions) dropdown. Below the navigation is a welcome message: 'Хамидов Вохид Собирович, добро пожаловать на Coursera!' followed by a note: 'Укажите, какие темы вас интересуют, чтобы мы могли составлять для вас персональные рекомендации.' A grid of categories is displayed, each with a color-coded box and a checkbox: 'Гуманитарные науки и искусства' (orange), 'Математика и логика' (light blue); 'Бизнес' (brown), 'Личностное развитие' (yellow); 'Компьютерные науки' (grey), 'Физические и инженерные науки' (blue); 'Наука о данных' (purple), 'Социальные науки' (light blue); 'Медико-биологические науки' (green), 'Изучение языков' (light blue). A 'Продолжить' (Continue) button is at the bottom.

Курсларга ёзишиш ва курслар билан танишиб чиқиши. Тизим орқали рўйихатдан ўтгандан кейин фойдаланувчи ўзининг қизиқишидан келиб чиқсан ҳолда тизим таклиф этилаётган курслар билан танишиб чиққиб, курсларга ёзишиши мумкин.

Мисол учун биз, Принстонский университети томонидан “Алгоритмы” курсига ёзишиш жараёнини кўриб чиқамиз.

Курсни танлаганимиздан кейин қўйида кўрсатилган ойна чиқади.


The screenshot shows the course page for 'Algorithms, Part I' offered by Princeton University. At the top, there's a navigation bar with the Coursera logo, a 'Каталог' (Catalog) button, a search bar, and a 'Учебные заведения' (Educational institutions) dropdown. The course title is 'Algorithms, часть I'. Below the title is a brief description: 'This course covers the essential information that every serious programmer needs to know about algorithms and data structures, with emphasis on applications and scientific performance analysis of Java implementations. Part I covers basic iterable data types, sorting, and searching algorithms.' To the right is a video thumbnail with a play button and the text 'Посмотреть вступительное видео'. On the left, under 'О курсе', is a detailed description of the course content, including topics like union-find algorithms, basic iterable data types, sorting algorithms (quicksort, mergesort, heapsort), and applications. Under 'Рекомендуемая подготовка', it says: 'All you need is a basic familiarity with programming in Java. This course is primarily aimed at first- and second-year undergraduates interested in engineering or science, along with high school students and professionals with an interest (and some background) in programming.' Under 'Рекомендуемые материалы для самостоятельного изучения', it says: 'Although the lectures are designed to be self-contained, students wanting to expand their knowledge beyond what we can cover in a 6-week class can find a much more'. On the right, there's a section for 'Сессии' (Sessions) with a date range from '22 января 2016 г. - 12 марта 2016 г.' and an 'Enroll' button. Below that is a 'Краткий обзор курса' (Course overview) section with details: '6 weeks обучения', '6-12 hours/week', 'Английский', and 'Субтитры доступны на таких языках: Английский'. At the bottom right is a photo of the professor, Kevin Wayne, with his name and affiliation: 'Kevin Wayne' and 'Принстонский университет'.

Бу ерда курс ҳақида қўйидаги маълумотлар келтирилган:

- Курс ҳақида маълумот;

- Курсни ўзлаштириш учун тингловчи олдиндан билиши керак бўладиган малака талаблари келтирилган;
- Курсни мустақил ўзлаштириш учун тавсиялар келтирилган;
- Курснинг формати. Бу ерда курсда келтирилган дарслар давомийлиги, хафтада қанча вақт ажартиш мумкинлиги, қандай топшириқлардан иборат эканлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Курснинг ўнг қисмида
Сессии



Краткий обзор курса

- 🕒 6 weeks обучения
- 🕒 6-12 hours/week
- 🌐 Английский
- 🎞 Субтитры доступны на таких языках:
Английский

Преподаватели



Kevin Wayne
Принстонский университет



Robert Sedgewick
Принстонский университет

Курснинг бошланиш вақти, тили, профессор-ўқитувчилари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Курсга ёзилиш ва ўқиш жараёнини бошлаш.

Курсга ёзилиш учун «ENROLL» тугмасини босамиз. Натижада курснинг “курс кодекси” чиқади. Бу ерда курсга ёзилаётган фойдаланувчи курс муалифлари томонидан белгиланган қоидалари баён этилган. Келтирилган қоидаларни қабул қилиб, курсга ёзиламиз.

IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

File Edit View Favorites Tools Help

coursera

 PRINCETON UNIVERSITY Algorithms, Part I
by Kevin Wayne, Robert Sedgewick

Добро пожаловать, Vakhid!

Прежде, чем начать работу с курсом, необходимо выполнить несколько действий.

Подпишите Кодекс чести Coursera

Все студенты, участвующие в классе, должны согласиться соблюдать следующий кодекс поведения:

1. Я зарегистрирую только одну учётную запись.
2. Все мои ответы на задания, включая опросы и экзамены будут моей собственной работой (за исключением заданий, которые недвусмысленно допускают возможность совместной работы).
3. Я не буду выкладывать в открытый доступ ответы на вопросы домашних работ, опросов или экзаменов. Это включает как написанные мною лично ответы на вопросы, так и любые официальные ответы, предоставленные сотрудниками курса.
4. Я не буду прибегать к каким-либо уловкам, с помощью которых обманным путём могут быть улучшены мои результаты или улучшены/ухудшены результаты других.

I will not to post solutions or partial solutions to the programming assignments publicly (e.g., in the discussion forums or in public code repositories such as GitHub).

Я согласен

Натижада қўйидаги саҳифа юкланади.

Куриниб туриптики, биз танлаган курс бўйича барча ўқув услугубий контентлар келтирилган. Хусусан, видео маъruzалар (уларнинг давомийлиги кўрсатилган), видео маъruzаларнинг презентацияси, курсга оид топшириқлар баён этилган.

coursera

 PRINCETON UNIVERSITY Algorithms, Part I
by Kevin Wayne, Robert Sedgewick

Video Lectures

Having trouble viewing lectures? Try changing players. Your current player format is html5

Week 0: Welcome to Algorithms, Part I (9:22)
Course Introduction (9:22)

Week 1: Union-Find (50:54)
Dynamic Connectivity (10:22)
Quick Find (10:18)
Quick Union (7:50)
Quick-Union Improvements (13:02)
Union-Find Applications (9:22)

Week 1: Analysis of Algorithms (65:32)
Analysis of Algorithms Introduction (8:14)
Observations (10:05)
Mathematical Models (12:48)
Order-of-Growth Classifications (14:39)
Theory of Algorithms (11:35)
Memory (8:11)

Kурсы Vakhid Khamidov ▾

Help Center

Короткие вопросы 15

Home

Syllabus

Schedule

Lectures

Exercises

Programming Assignments

Job Interview Questions

Discussion Forums

Google+ Hangouts

Errata

Surveys



Курс лекторининг видеомаързаси.

1-Топширик.

1. Оммавий онлайн очик курслардан бирини танлаб олинг⁵.

№	ОООК	манзили
1.	Оммавий онлайн очик курслар каталоги	https://www.mooc-list.com/
2.	Coursera лойиҳаси	https://www.coursera.org
3.	edx лойиҳаси	https://www.edx.org
4.	Udacity лойиҳаси	https://www.udacity.com
5.	Openlearning лойиҳаси	https://www.openlearning.com
6.	Udemy лойиҳаси ⁶	https://www.udemy.com/
7.	MIT лойиҳаси	http://ocw.mit.edu/
8.	Khan академияси	https://www.khanacademy.org/
9.	Futurelearn лойиҳаси	https://www.futurelearn.com/
10.		

⁵<https://www.class-central.com/providers> сайтидан тўлиқ ОООК рўйиҳатини олиш мумкин

⁶Бу тизимда курсларнинг айримлари пуллилари ҳам мавжуд

2. Танлаб олган оммавий онлайн очиқ курслар тизимидан рўйихатдан ўтинг.
3. Ўзингизнинг йўналишингиз (қизиқишингиздан) келиб чиқсан ҳолда курсни топиб, унга ёзилинг.
4. Ёзилган курснинг услубий таъминотини қўйида келтирилган жадвалга тўлдириб, ўкув жараёнига қўллаш бўйича SWOT тахлил қилинг.

2-Топшириқ.

Танлаган курсинг бўйича қўйидаги жадвални тўлдиринг

Курс номи	
Курс тақдим этаётган Университет	
